

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БЕРДАҚНОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқукида

УДК: 894.375.

УТАМБЕТОВА АРУХАН ЖАМГЫРБАЕВНА

БЕРДАҚНИНГ «ШАЖАРА» ДОСТОНИДА ФОЛЬКЛОРИСТИК ВА
РЕАЛИСТИК ТАСВИРЛАШ УСУЛЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИШ
ХУСУСИЯТЛАРИ

10.01.04 – Туркий халқлар адабиёти (қорақалпоқ адабиёти)

Филология фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Н У К У С - 2011

Иш Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти қорақалпоқ адабиёти кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар:

филология фанлари доктори, профессор
Алламбергенов Кенесбай

Расмий оппонентлар:

филология фанлари доктори, профессор
Қурбанбай Жаримбетов

филология фанлари номзоди
Жалғас Хошаниязов

Етакчи ташкилот:

ЎзФА Тил ва адабиёт институти

Ҳимоя 2011 йил _____ ойининг _____ куни соат _____ да Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги Д.067.10.01 рақамли филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияларни ҳимоя қилиш бўйича Ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади.

Манзил: 230100, Нукус шаҳри, акад. Ч. Абдиров кўчаси, 1.

Диссертация билан Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг асосий кутубхонасида танишиш мумкин.

Манзил: 230100, Нукус шаҳри, акад. Ч.Абдиров кўчаси, 1.

Автореферат 2011 йилнинг «_____» _____ да тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш илмий котиби,
филология фанлари номзоди**

Қ. Пахратдинов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикасининг ўз мустақилликларини қўлга киритиши ўзлигимизни англаш, миллий кадриятларни эъозлаш каби масалаларни пухта ўзлаштиришга, уларни тарғиб ва ташвиқ қилишга, тараққий қилдиришга кенг йўл очиб берди. Зотан, тарихий илдизларимиз ҳисобланмиш ота-боболаримиз маънавий ҳаётини, жаҳон тамаддуни тарихидаги ўрнини муайянлаштириш биз – бугунги авлоднинг фарзандлик бурчи саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг тўғри кўрсатганидек, «Биз миллий маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади»¹.

Бердақ ўз «Шажара»сида қорақалпоқ халқининг кўплаб азоб-укубатларни бошидан кечиришига қарамасдан халқ бўлиб яшаб қолганлигини қуйидагича таърифлайди:

«Бўлинген ел қарақалпақ болды,
Қырылса да урпақ болды»².

Байтда халқнинг жизғанақ бўлиб, кулга айланса ҳам афсонавий Феникс сингари яна ўз ҳолатига кела олганлиги алоҳида таъкидланмоқда³.

Маълумки, Бердақ ижоди, хусусан, унинг «Шажара» достони жаҳон адабиётининг сара намуналари қаторида эътироф этилган. Хусусан, замонавий жаҳон адабиётининг буюк вакили Чингиз Айтматов Бердақни «оддий халқнинг оғзаки сўзларидан гўзал олам яратишга эришган шоир»⁴ деб тавсифлаган бўлса, машҳур рус олими Зоя Кедрин, «Бердақнинг улуғлиги унинг халққа хизмат қилганида ёки оддий халқдан чиққанлигида эмас, балки Бердақ қорақалпоқ халқини ўзида мужассам қилганлигидадир. Бердақ – халқда, халқ - Бердақда», дея юқори баҳолайди⁵.

Бердақнинг «Шажара» асари жанрини баъзи адабиётшунослар ҳам бадиий ижод намунаси, ҳам тарихий асар сифатида белгилашади. Академик С.Камолов асарни биринчи навбатда қорақалпоқлар тарихини халқ афсоналари асосида кўрсатиб берувчи тарихий ёдгорлик сифатида қайд қилгани ҳолда унинг бадииятини ҳам инкор этмайди⁶. Дарҳақиқат, «Шажара» халқнинг маънавий-бадиий қарашларини ифодалаган ёдгорлик бўлиш билан бирга бебаҳо тарихий асар ҳамдир.

¹ Каримов И.А. Жоқары мәнәўият – жеңилмес күш. -Тошкент: Маънавият, 2008. Б.29.

² Бердақ. Таңламалы шығармалары. –Нөкис: Қарақалпақстан, 1987. Б.133.

³ Базарбаев Ж. Халқымыз уллы Бердақ нәзеринде / Еркин Қарақалпақстан. –Нөкис, 2006, 7-декабрь, - №147 (18361).

⁴ Бердақ ҳаққында сөз. -Нөкис: Қарақалпақстан, 1987. Б.77.

⁵ Ўша манба. Б.79.

⁶ Камалов С.К. Каракалпаки в XVIII-XIX веках. –Ташкент: Фан, 1968. С.163.

Тарих «сабоқларидан таълим олиш эса, инсонни доим огоҳликка чорлайди», «инсонни ўз тарихидан айириш уни ҳаётдан жудо қилиш билан баробар»⁷, «ўзлигимизни англаш тарихни билишдан бошланади»⁸. Буларнинг барчаси, яъни бир қарра тарих зарварақларини титкилаб, ҳақиқий тарихимиз илдизларига қайтишни, маданиятимиз ва маънавиятимиз сарчашмалари манбаларини истиқлол ғояси ва мафқураси асосида қайтадан кўриб чиқишни тақозо этмоқдаки, бу «Шажара» ёдгорлигига ҳам тааллуқлидир.

Қорақалпоқ адабиётшунослигида Бердакнинг «Шажара» асари замонавий миллий мафкура ва миллий ғоя тамойиллари асосида, янгича нуқтаи назардан илк марта тадқиқ қилинмоқда. Бу ишимиз долзарблигини таъминловчи асосий омиллардан биридир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бердак ҳаёти ва ижоди, лирик ва эпик асарлари, унинг ижодининг қардош халқлар адабиётлари билан алоқадорлик даражалари, баъзи асарларининг монографик тадқиқи бўйича қорақалпоқ адабиётшунослигида салмоқли ишлар қилинган, илмий изланишлар олиб борилиб, рисола ва монографиялар нашр қилинган. Хусусан, бу йўналишда Н.Дауқараев, И.Сағитов, М.Нурмухамедов, А.Пахратдинов, А.Муртазаев, А.Пирназаров, Б.Қурбонбоев, Қ.Жаримбетов, Қ.Турдибаев⁹ кабиларнинг ишлари диққатга сазовордир.

Ушбу тадқиқотларда Бердакнинг «Шажара» асари махсус ўрганиш объекти бўлмаган. Фақат ф.ф.д. А.Пахратдиновгина ўзининг «Қорақалпоқ шажараси» рисоласида ушбу асар таҳлилига нисбатан кенгроқ ўрин ажратган¹⁰.

Бердак «Шажара»сининг тўпланиши, нашр қилиниши ва ўрганилиши масалаларини икки босқичга ажратиш мумкин:

- 1) миллий мустақилликкача бўлган давр;
- 2) миллий истиқлолдан кейинги давр.

Биринчи даврда Бердакнинг «Шажара» асари 3 марта чоп қилинганганига қарамай, изчил равишда ўрганилмади.

⁷ Каримов И.А. Асарлари. -Тошкент: Ўзбекистон, 2000. Т.7. Б.136, 139-140.

⁸ Каримов И.А. Асарлари. -Тошкент: Ўзбекистон, 2004. Т.12. -Б.7.

⁹ Дәуқараев Н. Бердак шайыр. –Нөкис: ҚҚМБ, 1950. Б.50. Ушбу муаллиф: Шығармаларының толық жыйнағы. –Нөкис: Қарақалпақстан, 1979. Т.ІІІ. Б.360; Сағитов И. Бердак – уллы патриот шайыр. –Нөкис: ҚҚМБ, 1943; Ушбу муаллиф: Бердактың творчествосы. –Нөкис: ҚҚМБ, 1958; Ушбу муаллиф: Сахра бүлбили. –Нөкис: Қарақалпақстан, 1974. Б.340. Усы автор. Қарақалпақ халқының уллы демократ шайыры. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. Б.40; Пахратдинов Ә. Қарақалпақ шежиреси. –Нөкис: НМУ баспасы, 1984. Б.72; Ушбу муаллиф: Бердак шайырдың дәстанлық шығармалары. –Нөкис: Қарақалпақстан, 1987. Б.344. Ушбу муаллиф: Бердак шайыр творчествосының жыйналыў, басып шығарылыў ҳәм изертлениў тарийхынан. –Нөкис: Қарақалпақстан, 1990. Б.200; Ушбу муаллиф: Бердак шайырдың көркемлик дүньясы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2007. Б.112; Нурмухамедов М. Бердак–қарақалпақ халқының уллы шайыры. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1989. Б.40; Муртазаев А. Бердактың «Ақмақ патша» поэмасы. –Нөкис: Қарақалпақстан, 1979. Б.100. Усы автор. Бердак шығармаларында заманағөйлик ҳәм шеберлик. –Нөкис: Қарақалпақстан, 1993; Пирназаров А. Бердак шығармаларында қолланылған дәретиўшилиқ усыллар. – Нөкис: Билим, 1998. Б.148; Қурбонбоев Б. Бердак ижоди ва ўзбек адабиёти. –Тошкент: Фан, 1982. Б.116; Жәримбетов Қ. Бердактың нәсиятлары – бизиң руўхый дүньямыз. –Нөкис, 1998; Усы автор: ХІХ әсир қарақалпақ лирикасының жанрлық қәсийетлери ҳәм раўажланыў тарийхы. –Нөкис: Билим, 2004; Турдыбаев Қ. Дидактикалық шығармалар – руўхый ғәзийнемиз. –Нөкис: Билим, 2009.

¹⁰ Пахратдинов Ә. Қарақалпақ шежиреси. Нөкис: НМУ баспасы, 1984. – 70 б.

Миллий истиклол даври Бердақ «Шажара»сининг ўрганилишида янги саҳифа очди¹¹. Бу даврга келиб, шоир ижоди янгича – ҳаққонийлик ва халқчиллик нуқтаи назаридан талқин ва таҳлил қилина бошланди. «Шажара» асарига бўлган шўровий муносабат барҳам топди. Бу хил эврилишлар самараси ўлароқ янги тадқиқотлар майдонга келди¹², асарнинг ёзиб олинishi, нашр қилиниши, турли вариантларини чоп эттириш борасида сайъи-ҳаракатлар амалга оширилди¹³.

Бизнинг мазкур тадқиқотимиз ўзининг махсус йўналиши, мақсад ва вазифаларига кўра юқоридаги ишлардан тубдан фарқланади.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти Қорақалпоқ адабиётшунослиги кафедрасида ўрганилаётган «Қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди ва қорақалпоқ адабиёти тарихи» тадқиқот йўналишининг бир қисми бўлиб, у институт илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган.

Тадқиқот мақсади. «Шажара» асарининг Бердақ шоир томонидан яратилиши, асарнинг жанрий белгилари, бадиий хусусиятларини кўрсатиш орқали, унинг тарихий ҳақиқат ва бадиий фантазиянинг синтезидан ташкил топганлигини, шеърятда алоҳида шакл эканлигини, асарда фольклористик ва реалистик тасвир усуллариининг қўлланилиш меъёри ва тамойилларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Қўйилган мақсад асосида қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш белгиланган:

– «Шажара»нинг тўпланилиши, нашр қилиниши, ўрганилишининг барча босқичларини илмий таҳлил қилиш, унинг ўрганилиш даражасини очиқ бериш ва диссертация олдида қўйилган муаммоларнинг долзарблигини асослаш;

– асарнинг жанр хусусиятларини фольклор ва реалистик адабиёт мезонлари асосида тадқиқ қилиш, унинг шоир ижодида эволюцион ҳодиса эканлигини бадиий ижод қонуниятлари асосида исботлаш, шу аснода Бердақ «Шажара»сининг нафақат шоир ижодида, балки туркий халқлар шеърят тарихида ғоявий-бадиий ва шаклий тузилиши бўйича ҳам ноёб асар эканлигини кўрсатиб бериш;

– «Шажара»нинг жанр хусусиятларини тадқиқ қилиш орқали унинг бадиийлик даражасини кўрсатиб бериш;

¹¹ Муртазаев А. Мастерство Бердаха.: Автореф. дис. ... докт. филол.наук. –Нукус, 1993; Мәмбетов К. Қарақалпақ шежиреси. –Нөкис: Билим, 1993. Б.57-73.

¹² Максетов Қ. Бердақ «Шежире»синдеги рўйиятлар // Өмиўдәрья. –Нөкис, 1997. -№9-10; Баҳадырова С. Бердақтың «Шежире шығармасы». / Миллий әдебиятымыздың байтереги. Илимий топләм. –Нөкис: Қарақалпақстан, 1988; Базарбаев Ж. Бердақ - руўхиятымыздың сарқылмас булагы // Сәният. –Нөкис, 2007, - №3-4; Жумажанов Қ. «Шежире» хәм туўысқанлық шежиреси // Өмиўдәрья. –Нөкис, 2003, №4.

¹³ Бердақ. Шежире. –Нөкис: Қарақалпақстан, 1993; Бердақ. Шежире –Бердақ. Сайланды шығармалары. –Нөкис: Қарақалпақстан, 1997; Б.132-160. Бердақ. Шежире (Бухара қарақалпақлары варианты // Өмиўдәрья. –Нөкис, 1998, -№6. Бердақ. Шежире // Өмиўдәрья –Нөкис, 1998. -№2.

– асарнинг асосий сюжет мотивларидаги фольклорга хос мифологик ва тарихий-реалистик воқеалар синтезини таҳлил қилиш;

– шоирнинг қаҳрамонлар образини яратишда фольклор ва реалистик тасвир усулларида фойдаланиш маҳоратини очиб бериш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотда Бердақ асарларининг барча нашрларидаги «Шажара» асари вариантлари, унинг алоҳида чоп этилган нусхаси (1993), кейинги пайтларда газета-журналларда чикқан парчалари, шунингдек, халқ оғзидан ёзиб олинган нусхалари ишнинг асосий объекти ҳисобланса, ушбу манбалар юзасидан тўпланган адабий-бадний материаллар, таҳлилга тортилган характерли бадний воситалар унинг предметини ташкил қилади.

Тадқиқот методлари. Диссертацияни ёзишда Президентимиз И.А.Каримовнинг асарлари ва нутқларида миллий мафкура ва миллий ғоя, маънавий кадриятлар, тарих, тил, ўзликни англаш, маданий меросларга муносабат, аждоду авлодларимизга эҳтиром борасида билдирган фикр-мулоҳазалари методологик асос вазифасини ўтади.

Тадқиқотнинг илмий-назарий таянчи сифатида буюк мутафаккир ва олимлар Аристотель, Беруний, Мирзо Улуғбек, Рашид ад-дин, Муҳаммад Ҳайдар Дулатий, Абулғози Баҳодирхон, В.Г.Белинский, Ч.Ч.Валиханов, Ҳасан Ота Абуший, шунингдек, ўтган аср ва ҳозирги даврнинг машҳур олимлари В.В.Бартольд, В.М.Жирмунский, Н.К.Гей, Г.Н.Поспелов, Л.И.Тимофеев, А.Н.Кононов, Н.И.Кравцов, Е.М.Мелетинский, В.Н.Путилов, У.Б.Дальгат, С.Г.Лазутин, П.П.Иванов, С.П.Толстов, Л.С.Толстова, И.Султон, Н.Маллаев, А.Ҳайитметов, А.Қаюмов, Ҳ.Зарипов, О.Шарофиддинов, М.Авезов, А.Марғулан, З.Ахметов, З.Қабдолов, Р.Бердибаев, С.Қасқабасов, А.Қўниратбаев, Н.Давқараев, Қ.Айимбетов, М.Нурмухамедов, Н.Жапақов, И.Сағитов, С.Камолов, Қ.Мақсетов, С.Ахметов, Б.Саримсоқов, Т.Мирзаев, У.Тўйчиев, Б.Қосимов, У.Норматов, Б.Тўхлиев, Н.Раҳмон, И.Ҳаққулов, Б.Қурбонбоев, К.Қурамбоев, М.Жўраев, У.Жуманазаров, А.Пахратдинов, А.Муртазаев, А.Пирназаров, Ҳ.Ҳамидов, Қ.Байниязов, С.Баҳодирова, К.Мамбетов, Қ.Камалов, Қ.Жаримбетов, М.Тилеумуратов, К.Алламбергенов, Қ.Оразимбетов, М.Айимбетов, Ш.Абдиназимов, Ж.Хошниязов кабилар асарларида адабиёт назарияси, тарихи, фольклор, бевосита Бердақ ижоди ҳақида билдирган илғор фикрлари хизмат қилди.

Тадқиқотда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, бадний таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий фаззини биринчидан, «Шажара»нинг алоҳида тарихий адабий-бадний жанр эканлиги; **иккинчидан**, унинг пайдо бўлиши ва шаклланиши илдизлари тарихий фольклор ва адабий-бадний эстетик қарашларга бориб тақалиши; **учинчидан**, Бердақ мазкур асарни яратишда оғзаки ижодга хос ва ёзма-адабий унсурлар синтезидан фойдаланиб, янгича

адабий-реалистик шакл – шажара-достон майдонга келтирганлиги ҳақида ўртага ташланган асосли илмий фикрлар ташкил этади.

Ҳимояга олиб чиқиляётган асосий ҳолатлар:

1) «Шажара» асарининг ўрганилишини шарҳлаш орқали тадқиқот объектининг илмий қиммати асослаб берилди;

2) «Шажара» асаринингнинг шоир ижодида пайдо бўлишининг ғоявий-эстетик, тарихий илдизлари аниқланди. Бу эса шоир ижодида шарқ шажарачилиги анъанаси давом эттирилганлигининг бир кўриниши ва унинг алоҳида бир адабий шакл сифатида қарор топишининг тимсоли деб баҳоланди;

3) асарнинг жанр хусусиятлари аниқланди ва у тарихий асар билан бадиий ижод намунаси оралиғида турувчи алоҳида тарихий-бадиий синтез-шажара-достон деган хулосага келинди;

4) «Шажара» сюжетидаги мифологик-фольклористик ва тарихий-реалистик воқеалар мотивлари синтези Бердақнинг шоирлик маҳоратининг ёрқин кўриниши сифатида баҳоланди;

5) «Шажара» қаҳрамонлари образларининг яратилишида фольклорга хос ва реалистик тасвир усулларида фойдаланишдаги шоир маҳорати асар бадиийлиги даражасининг юксалигини таъминловчи асосий мезон сифатида белгиланди.

Илмий янгилиги. Бердақнинг «Шажара» асари қорақалпоқ адабиётшунослигида А.Пахратдинов ва бошқаларнинг баъзи мақолаларини истисно қилганда монографик тарзда махсус тадқиқот объекти бўлмади. Юқорида қайд қилинган ишларда ҳам асар ҳақида умумий фикрлар билдирилган, холос. Шу сабабли ишимизда қуйидагича илмий янгиликларни кўлга киритишга муваффақ бўлдик:

– халқ оғзаки ижоди намуналари, хусусан, Чингизхон, Айдос бобо ҳақидаги афсона ва ривоятлар, халққа хос уруғ атамалари, уруғларнинг шиорлари билан тамғалари ҳақидаги асотирлар, уруғларнинг келиб чиқиши ҳақидаги оғзаки шажаралар Бердақ асарининг миллий ва бадиий-эстетик илдизлари бўлибгина қолмасдан, балки ундаги фольклорга хос ва бадиий-реалистик тасвирлаш усуллариининг ҳам манбаи, бадиий тажриба мактаби вазифасини ўтаганлиги;

– Бердақгача ва ижодкор яшаган даврдаги қорақалпоқ ёзма адабиётидаги миллий реалистик хусусиятларнинг шоир «Шажара»сида ўзига хос услубда намоён бўлиши ва бойиши;

– «Шажара» XIX аср қорақалпоқ адабиётида Бердақ томонидан яратилган, фольклор билан ёзма адабиёт синтезидан ҳосил бўлган алоҳида ёзма-адабий жанр эканлиги;

– шоир «Шажара»си жанр нуқтаи назаридан «шажара-достон» атамасига мувофиқ келиши;

– Бердақ «Шажара»сининг жанрий шаклланиши ва тақомилида XIV асрдаги Рашидиддиннинг «Жомеъ ут-таворих», XVII асрдаги Абулғози

Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» асарларининг ўзига хос намуна бўлиб хизмат қилганлиги, бу асарлардаги тасвирлаш усулларининг шоир «Шажара»сига таъсири мавжудлигинингнинг илмий исботланиши;

– Бердақ ифода-тасвир усулларининг оригиналлиги – фольклорга хос мотивлар билан адабий-реалистик мотивларни, шунингдек, тарихий ҳақиқат билан бадиий ҳақиқатни синтезлаб бериш шоир маҳоратида намоён бўлганлиги каби масалаларнинг атрофлича асосланиши ва ҳакозо...

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Ишнинг илмий аҳамияти шундаки, у Бердақшунослик соҳасини янги материаллар билан бойитади. Мазкур тадқиқот шоир ижодини миллий истиқлол ғоялари нуқтаи назаридан ўрганувчи дастлабки қадамлардан бири саналади.

Диссертацион иш XIX аср қорақалпоқ адабиёти тарихини, Бердақ ижодини умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртларида ўқитишда ўқитувчилар, талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун қўшимча материал сифатида хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, иш натижаларидан «Қорақалпоқ адабиёти тарихи» фани, «Бердақшунослик» махсус курси учун дарслик ва қўлланмаларнинг янги авлодини яратишда қимматли манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Иш мазмуни ва ундаги асосий ҳолатлар бўйича Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг қорақалпоқ адабиёти кафедраси илмий семинарларида, институт ва республика миқёсида ўтказилган илмий-назарий анжуманларда баёнотлар қилинган ва «Қорақалпоқ адабиёти тарихи» фани ва «Бердақшунослик» махсус курси машғулотларида амалиётга татбиқ этилган.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Диссертация Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти қорақалпоқ адабиёти кафедрасининг мажлисида (2011 йил, 12 январь, 6-сонли баённома), Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги Д. 067.10.01. рақамли Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинарда (2011 йил, 8 апрель, 2-сонли баённома) муҳокама қилиниб, тугалланган илмий тадқиқот сифатида ҳимояга тавсия қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мазмуни юзасидан илмий журналларда 9 та мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация қорақалпоқ тилида ёзилган, у кириш, асосий уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 165 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, илмий янгилиги, таҳлил тамойиллари, унинг назарий ва амалий аҳамияти, ишнинг синовдан ўтиши каби масалалар мухтасар ёритилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби «**Бердақ «Шажара»си жанр асосларининг фольклор ва адабий-реалистик тавсифлари**» деб номланиб, у икки бўлимга бўлинган. Унда биз шоир «Шажара»си жанр хусусиятларига ва унинг фольклористик ва адабий-реалистик илдизларига кенг тўхталдик.

Дарҳақиқат, Бердақ ижодида «Шажара» тўсатдан ёки тасодифан пайдо бўлган ҳодиса эмас. У Бердақ ижодининг тадрижий ривожига жараёнида қонуний ҳолда юзага келган ҳодиса бўлиб, бундан олдин у бир неча тарихий-эпик асарлар – «Амангелди», «Айдос бобо», «Ерназар бий» каби асарлар муаллифи сифатида танилган, тажриба орттирган, маънан ва поэтик маҳорат бобида ўзига хос юксакликка кўтарилиб улгурган ижодкор эди. Буни бевосита асарда келтирилган «Жетпис-сексен йашта ўзим» деган мисраларидан ҳам англаш мумкин¹⁴.

Тарихдан маълумки, халқи шажарасини ёзиш барча ижодкорларга ҳам насиб қилавермаган. Қорақалпоқ халқи тарихи ва шажарасини ёзиш ижодкор сифатида Бердақ қисматида тушган. Бундай масъулиятни ҳис қилган шоир жуда кўп изланган, тарихий асарларни кўздан кечирган, халқ орасидаги афсона ва ривоятларни, асотирларни синчиклаб ўрганган, унинг орзу-армонларини, дунёқарашини, ҳаёт тарзини яхшилаб кузатган. Бу ҳақда шоир ёзади:

Бул сөз илаҳидан келди,
Келип көңлиме жай болды,
Ишим-тышым бәри толды,
Андын соң айтылған екен¹⁵.

Унинг кўп китоблар varaқлаб, аҳли дониш, бахшилар билан бевосита ва ғойибона суҳбатда бўлганлигига ҳам асарда ишоратлар mavжуд:

Китап көрдим мусаннипдан,
Сөз ешиттим Андалиптан¹⁶.

Ушбу бобнинг «Бердақ «Шажара»сида фольклористик ва реалистик тасвир усуллариининг миллий ва бадий-эстетик илдизлари» деб номланган биринчи бўлимида бундай ифода усуллари асосини шоир қайси сарчашмалардан олганлиги тўғрисидаги фикрлар ўртага ташланади.

«Шажара»да фольклористик ва адабий-реалистик хусусиятлардан дарак берувчи характерли афсоналардан бири Чингизхон ҳақидаги афсонадир.

¹⁴ Бердақ. Шежире. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1993. Б.35.

¹⁵ Бердақ. Шежире: Поэма. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1993. Б.36.

¹⁶ Ўшба манба. Б.34.

Н.Давқараев, И.Сағитов асарга Чингизхон ҳақидаги афсона нотўғри киритилган, унинг «Шажара»га мантикий алоқаси йўқ, деган маънода фикр билдирганлар¹⁷.

Бизнингча, олимлар шоирга эътироз билдиришида бир нарсани эътиборга олишмаган. Бердақ Чингизхоннинг тоғаси Олтинхон деганда XI асрда Хоразмда ҳукмронлик қилган Олтинхонни эмас, балки Чингизхоннинг Олтин авлоди сулоласидан чиққанлигини назарда тутган бўлиши керак. Чунки илгариги тарихчилар хонларнинг авлод-аждодларини улуғ кишиларга нисбат бериб тасвирлашни урф қилганлар. Ҳатто Абулғози Баҳодирхон ҳам ўз чиқиб келишини олтин авлоди сулоласи билан боғлайди¹⁸. Буларнинг барчаси тарих ҳақиқати билан бадий ҳақиқатнинг муштарак эмаслигини, бадий фикр ёзувчи шахсининг ижодий фантазияси маҳсули эканлигидан дарак беради.

Проф. А.Пахратдиновнинг таъкидлашича, Бердақ асарига киритилган Чингизхон халқ идеалининг, орзу-армонларининг тимсоли сифатидаги қаҳрамон образидир. У тарихдаги ёвуз, золим шахсни эмас, балки халқ орзусидаги ҳукмронни ифода этувчи, халқпарвар шахс сифатида гавдаланади. Шу сабабли ҳам у асарда тасодифий образ бўлмасдан, шоир идеали, орзу-истаги тимсолига айланган шахсдир. Шу сабабли ҳам уни шоир ҳар хил воситалар орқали улуғлайди, нурдан пайдо бўлган шахсга айлантиради, яъни фольклористик мотив бадий ҳақиқатга хизмат қилдирилади.

Улуғ шахсларнинг илоҳий нурдан туғилиши мотиви Шарқ ва Ғарб фольклори ва адабиётида кенг тарқалган сайёр сюжет мақомидаги бадий ҳодисадир. Бердақ бу мотивга ижодий ишлов бериб, реалистик фонда акс эттиришга ҳаракат қилди, натижада шоир яратган образлар ўзида тарих акс-садосини сақлаб қолган реал ҳаётдаги кишилар сифатида намоён бўлди.

Бердақ «Шажара»сида фольклористик ва адабий-реалистик ўзига хосликни келтириб чиқарган воқеалардан яна бири Айдос бий тўғрисидаги афсонада кўзга ташланади. Асарда тасвирланишича, Айдос бий дор курдиради, одамларни осдиради, Хива хонидан Пилла исмли қизни ҳадяга олади. У хонлик таъма қилиб, мартабаталаблик қилганда Хива хонининг «Эй қорақалпоқ, Хивага хон бўлмоққа ҳаддингга боқ» деган (кейинчалик эл орасида кенг тарқалган) сўзлари асарда куйидагича келтирилади:

Айдос бий сыйға қыз алып,
Қыз алып кенгли хош болып,
Ол қызға өлең, той қылып,
Өлеңин айттырған екен.

Йурди Айдосның ҳукими,
Қыз-келиндериниң сөзини,

¹⁷ Давқараев Н. Бердақ шайыр. Тарихий-адабий изертлеу. -Нөкис: ҚҚМБ, 1950. Б.33-34; Сағитов И. Бердақ творчествосы. Монография. -Нөкис: ҚҚМБ, 1958. Б.119-120.

¹⁸ Қунтөлеу улы Аманбай. Шыңғыс хан. -Алматы: Дәуір, 2006. Б.70-71.

Шундағы айтқан өлеңі,
Нақыл болып қалған екен.

«Кими көшти Шарсәбизге,
Дәрья қуяр көктеңізге,

Қашар телип ғарры өгизге,
Қоңырат зорлық қылған екен»¹⁹.

Шоир асарда бундай афсона ва ривоятларни келтириш билан қахрамонлар образига хос хусусиятларни халқона, реалистик усулда тасвирлаб, улар характерини яна ҳам чуқурроқ, ишонарли қилиб тасвирлашга интилган. Булар, бир томондан, шоирнинг қахрамон образини яратишдаги маҳоратини намойиш қилса, иккинчи томондан, асар воқеа-ҳодисалари замирида афсона ва ривоятлар ётишини исботлайди.

Бундан ташқари Бердақ «Шажара»сида миллий ва бадий-эстетик таянч вазифасини ўтаган кўнғирот, қиёт, қангли, хитой, кипчоқ, кенегес, манғит, қорамўйин, хандакли каби уруғларнинг келиб чиқиши, шиорлари, тамғалари ҳақидаги асотирлар ва халқ оғзаки шажаралари баёнида ҳам шундай реалистик тенденцияларни пайқаш мумкин.

Умуман, шоир «Шажара»сида фойдаланилган юқоридаги каби фольклорга хос шакллар, мотив ва образлар унинг миллий-маънавий асослари сифатидагина кўзга ташланиб қолмасдан, балки асарнинг поэтик хусусиятлари – фольклорга хос анъаналар ва реалистик бўёқлардан усталик билан истифода қилганидан дарак беради.

Мазкур бобнинг «Бердақ «Шажара»сининг реалистик хусусиятлари» деб номланувчи иккинчи фаслида асардаги реалистик хусусиятлар ва уларни юзага келтирувчи омиллар талқинига кенг ўрин берилади.

Асардан кўринадики, Бердақ ўзигача бўлган ва XIX аср қорақалпоқ адабиётида мавжуд бўлган барча реалистик тасвир усуллари пухта ўзлаштирган ва ижодий фаолиятига татбиқ қила билган. Хоҳ у ҳаёт ҳақиқатини реалистик гавдалантириш бўлсин, хоҳ панднома-дидактик, сатирик-юмористик тарзларда акс эттириш бўлсин ёки лирик мушоҳада, лирик қахрамон образини яратиш бўлсин, шоирнинг шахсий ҳаётига, таржимаи ҳолига тегишли воқеа-ҳодисаларни куйлашми ёинки Айдос билан Рустам ботир диалогларими, қахрамон портретини чизишми, ҳаёт ҳақиқатини бадий деталлар орқали акс эттиришми, барча-барчасидан пухта фойдаланди ва қорақалпоқ шеъриятидаги бундай тасвир усуллари бекиёс юксакликка кўтарди. Буни асар матнига бевосита сингиб кетган фақат Бердақ шоир қаламига хос мисраларда кўриш мумкин:

Жетмиш, сексен яшта өзим,

¹⁹ Бердақ. Шежире. -Нөкис: Қарақалпақстан, 1993. Б.34; Буннан былайғы Айдосқа байланысly катарлар да усы басылымнан алынып, тек бети көрсетиледи.

Бир көзим бар, йоқ бир көзим.

Не яқшы-яманны көрдим,
Жети-сегиз ханны көрдим,
Үш дәўир заманны көрдим,
Замана шеп айланған екен.

Ёки:

Бул шажарани жылқы жылы
Халыққа машхур қылған екен²⁰.

Бу парчалар, биринчидан, даврга боғлиқ ҳолда лирик қаҳрамон рухий ҳолатининг ўзгаришини, унга хос табиий истеъдод, донишмандлик белгиларини билдирса, иккинчидан, шоир маҳоратини, реалистик ифодалаш усулининг ўзига хослигини аңлатади. Шоир маҳорати ўз кечинмаларини давр типик воқеалари билан уйғунлаштирган ҳолда тасвирлашида ёрқин намоён бўлади.

Шоирнинг «замана шеп айланған екен» деб нолиши, унинг замондан, кажравлигидан, ўзи яшаб турган ижтимоий-сиёсий тузумдан норозилигини, руҳан эзилишини, халқ дардини ўз дарди сифатида қабул қилаётганлигини кўрсатади. «Шажара» яратилган (жылқы жылы) даврда шоир 67 ёшлар атрофида бўлган. Унинг «бир көзим бар, жоқ бир көзим» дейиши замона жабридан фақат жисман эмас, руҳан ҳам жафо чекканлигини, даврон юки унинг кекса қаддини букканлигини тушуниш қийин эмас. Чунки асар яратилган даврда, яъни 1894 йилда қорақалпоқ халқи бутун Хоразм халқи каби подшо Россияси мустамлакачилиги сиёсати босими остида эзилаётган давр эди. Бу давр бутун бошли халқларни ўзларининг минглаб йиллар тарихи, маданияти, урф-одати, диний эътиқодларидан, иқтисодий, табиий бойликларидан мосуво қилди. Ушбу даврда қорақалпоқ халқи икки томонлама зулм остида қолди (Хоразм хонлиги ва Россия давлати), оддий халқнинг кун кечириши, тирикчилик қилишининг ўзи муаммо бўлиб қолди. Шоир бу ҳолатни мажозий йўл билан «бир көзим бар, жоқ бир көзим» деб деталлаштириши унинг реалистик ифода маҳоратидан дарак беради.

Бердақ бу асарида конкрет тарихий воқеликни реалистик тасвир усуллари билан омихта ҳолда бериб, лирик қаҳрамон образи тасвирининг мукамаллигига эришади. «Шажара» асаридаги реализмнинг, реалистик тасвир усуллариининг залвори яна шунда кўринадики, асардаги кириш, хулоса, асосий бўлимлар орасида мустахкам мантиқий боғлиқлик, диалогик, монологик тасвирлар, портрет, образ яратиш усуллари ўз мукамаллиги билан ажралиб туради. Булар «Шажара»нинг тарихий асар эмас, балки адабий-бадий асар талабларига тўла мувофиқ келадиган асар эканлигини, ундаги реалистик тасвир мезони шоирнинг дастлабки миллий ёзма адабий-эстетик тажрибанинг дарғаларидан бири эканлигини кўрсатиб туради²¹.

²⁰ Бердақ. «Шежире». Поэма. -Нөкис: Қарақалпақстан, 1993. Б. 35, 36.

²¹ Камалов Қ. Қарақалпақ әдебиятында көркем методтың эволюциясы. -Нөкис: Қарақалпақстан, 1988. Б.83.

Диссертациянинг ««Шажара» жанрининг адабий-реалистик ўзига хосликлари ва Бердақ «Шажара»си» деб номланган иккинчи бобида Шарқ халқлари адабиётларидаги ёзма шажаралар адабий-реалистик анъаналари билан Бердақ «Шажара»си жанр хусусиятлари қиёсий таҳлил қилиниб, асарнинг характерли жиҳатлари кашф этилади. Мазкур масалалар ўз навбатида икки фаслга бўлиб ўрганилди:

- 1) «Шарқ халқлари адабиётларидаги ёзма шажаралар»;
- 2) «Бердақ «Шажара»сининг жанр хусусиятлари».

Халқлар, сулолалар, авлод-аждодлар шажараларини ёзиш шарқда қадимий анъана. Шу боис Бердақ «Шажара»сининг илдизлари фақат халқ оғзаки ижоди бадиий-эстетик тамойиллари билангина чекланиб қолмасдан, балки унинг ибтидолари энг қадимги туркий ёзма ёдгорликларига бориб тақалади. Бунинг ёрқин мисоли сифатида Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликларига мурожаат қилишнинг ўзи кифоя. «Қултегин», «Тунюқук» битиктошларидаги воқеаларнинг тарихий кетма-кетликда берилиши, туркий халқларнинг пайдо бўлишидан бошлаб, уларнинг мамлакат, эл бўлганликлари, қулаши, қайта тикланиши, уларни Қутлуғ Элтариш, Қапаған, Билка ҳоконларнинг бошқариши, уларнинг тахтга чиқиши, мамлакат ҳудудини кенгайтириши, мустақкамлаши йўлидаги саъй-ҳаракатлари, урушлари, элни идора қилишдаги донишмандликлари, жанг майдонларидаги қаҳрамонликлари, уларнинг туққан-туғишганлари, Қултегин ва Тунюқукларнинг буюк саркардалар бўлиб етишиши, мамлакатни ақл-заковатли кишилар билан кенгашган ҳолда ҳамжиҳатлик билан бошқарганлари шажарамонанд шаклда – хронологик ҳолда баён қилинади²².

Буларнинг барчаси кейинги шажараларнинг шундай шаклда ёзилишига маълум даражада туртки бўлган. Бундан ташқари туркий халқлар ёдгорликлари дебочасида, хусусан, Қултегин битиктоши матнида Оллоҳга, Буюк Тангрига ҳамд ва санолар ўқилади, яъни:

Бийикте көк тәңири,
Төмен де қаражер жаралған,
Екеўиниң арасында
Адам баласы жаралған.
Және де: Аспаннан тәңири баспаса,
Төменде жер айырылмаса,
Түрк халқы, ел журтыңды
Ким хорлайды?²³

Бундай анъана Бердақ «Шажара»сида ҳам айнан такрорланади, у ҳам воқеалар баёнига киришмасдан олдин Оллоҳга, пайғамбар ва унинг саҳобаларига ҳамду санолар ўқийди ва бундай ёзади:

Рәсиўлила пырақ минип,
Қабы кәўсейин барған екен,

²² Билге Турсын-Тегин. Қапаған Қаған // Жулдыз. - Алматы, 1991. - №3. - Б.199.

²³ Ерте дәуірдің әдебий естеликтери. (Жыйнап, баспаға таярлаған, түсиник сөзлерин жазған проф. К.Мәмбетов) -Нөкис: Қарақалпақстан, 1986. Б.11.

Қуда билен разы айтышып,
Хақ дийдарын көрген екен²⁴.

Демак, бунинг ўзиёқ шажара ёзишда шарқ халқларида бундай анъана қадимдан давом қилиб келаётганлигини кўрсатади.

Фикримиз исботи сифатида, XVII аср тарихнависи Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» асари муқаддимасидан олинган парчани ҳам кўрсатиш мумкин: «Бисмиллиаҳи Раҳмани раҳим! Басланган ҳам тамамланган жери биймәлим ҳам шериксиз ҳам шексиз, жети қат аспан ҳам жети қат жерди ҳам он сәккиз мың әлемди бол дегенде болдырган тәңириниң ҳамдинен соң оның досты ҳам бәрше адам перзентлерине ҳам жинлерге жиберилгенлердиң ағласы улвил азм ҳам рисалат ҳам нубувват ҳам хатам. Бул төрт мәртебени өз пазлынан инаят қылып жиберген расул Муҳаммеддур. Мустапаның дуўасынан соң муҳиббул улама ҳам мураббийул Фузала Араб Муҳаммед хан уғлы Абулғазы Баҳадырхан Шыңғысханның оба (ата) ҳам әждадларының ҳам әўладларының ҳәр ўәлиятларда патшалық қылғанының ўаспын айтажақ»²⁵.

Кўринадики, ҳар икки (Абулғози Баҳодирхон ва Бердақ) шажарада ҳам типологик ўхшаш жиҳатлар мавжуд. Ҳар икки муаллиф ҳам олдин Оллоҳга, пайғамбар ва саҳобаларига мурожаат қилишган бўлса, сўнгра битаётган шажараларида нималарни ёзмоқчи эканлигига ишорат бор.

Бердақ ўз шажарасини ёзишдан олдин бошқа шажараларни ҳам қунт билан ўрганган. Хусусан, у Абулғози Баҳодирхон асари билан яқиндан танишган, ундаги қорақалпоқлар тарихига оид тарихий материалларни тўлалигича ўзлаштирган. Академик Х.Ҳамидов «Шажараи турк»да бошқа муғул қавмлари тўғрисидаги маълумотлар билан бир қаторда қорақалпоқлар этногенези ҳақида ҳам қимматли манбаларни учратиш мумкинлигини қайд қилади²⁶.

Абулғози «Шажара»сининг Бердақ асарига таъсирини кўпгина мотивларнинг айнан ўхшашлигида ҳам кўриш мумкин. Ҳар иккала шажарада ҳам илоҳий нурдан ҳомила орттириш мотиви учрайди. Муғулларнинг «Яширин шажара» китоби ва Абулғозида Чингизхоннинг онаси Аланқу тақдири билан Бердақ «Шажара»сидаги Чингизхоннинг онаси Алмали Қорикли тақдирларидаги мотивлар бир хил. Бундан ташқари Абулғози ўз асарида Аланқудан туғилган болаларнинг орув тухум, орув жонлар, пок, соф одамлар деган маъноларни беришини таъкидлайди. Бу Бердақнинг қиёт уруғининг шиори Арухан эканлигини айтган фикрини яна ҳам ойдинлаштиради ва уни чуқурроқ тушунишга ёрдам беради²⁷.

²⁴ Бердақ. Шежире. -Нөкис: Қарақалпақстан, 1993. -Б.34.

²⁵ Абулғазы Баҳадырхан. Турклер шежиреси. -Нөкис: Билим, 1994. Б.7.

²⁶ Ҳамидий Х. Шығыс тиллеринде жазба дәреклер ҳам XIX әсирдеги қарақалпақ шайырлары. -Нөкис: Билим, 1991. Б.72-73.

²⁷ Ҳамидий Х. Шығыс тиллеринде жазба дәреклер ҳам XIX әсирдеги қарақалпақ шайырлары. -Нөкис: Билим, 1991. Б.73.

Бердақ «Шажара»сида кўпгина уруғларнинг келиб чиқишини изоҳлашда Абулғози асаридаги ҳолатларга, маъноларига тўғри келишини кузатиш мумкин. Масалан:

Шах яш бала ерке уғлы,
«Қып» демеклик эреб тили,
Қыпшакдур түркий мәниси,
Шуннан «Қыпшак» болған екен²⁸.

Кўринадикки, қипчоқ уруғининг келиб чиқиши ҳақидаги Рашидиддиннинг «Жомеъ-ут-таворих», Абулғози қаламига мансуб «Шажарайи турк», Бердақнинг «Шажара» асарларидаги келтирилган фикрлар ва уларнинг маънолари бир хил. Эмишки, Ўғизхон аскарларининг бири урушда ҳалок бўлади. Унинг ҳомиладор хотини аскар билан ҳамсафар эди. Қўшин жангдан қайтаётганда хотиннинг тўлғоғи қистайди, шунда саҳрода паналайдиган жой бўлмаганлиги сабабдан аёлни қуриб қолган бир ёғоч ковагига киритадилар. Аёлнинг ўша ковакда кўзи ёрийди, ўғил туғади, исмини Қипчоқ деб кўядилар. «Қип» ичи ковак ёғоч, «чоқ» бола маъносини беради. Бу уруғнинг шиори Тўқсоба бўлиб²⁹, у бошқирдлар шажарасида ҳам учрайди³⁰.

Хулоса қилиб айтганда, *ёзма шажаралар адабиётдаги «солнома», «нома» каби жанрларга яқин бўлган, уруғ-қавмларнинг, халқларнинг, сулолаю ҳукмдорларнинг авлод-аждодлари ҳақида маълумот берувчи, аммо бадиий адабиётнинг барча эстетик талабларига жавоб берадиган, тарих билан бадиий адабиёт синтезидан иборат бўлган, назм ёки насрда ёзиладиган алоҳида тарихий-этик адабий-бадиий жанр саналади*. Бунга туркий халқлар битиклари, «Ўғузнома», «Чингизнома», Фирдавсий «Шоҳнома»си, Муғулларнинг «Тўпчи» солномаси, ҳинд-хитой халқлари солномалари, Берунийнинг «Хоразм тарихи», «Ўтмиш халқлардан қолган ядгорликлар», Хоразмийнинг «Муҳаббатнома», Ҳайдар Дулатнинг «Тарихи Рашидий», Қодиргелди Жалойирнинг «Жомеъ-ут-таворих», Кайковуснинг «Қобуснома», Рашидиддиннинг «Жомеъ-ут-таворих», Бобурнинг «Бобурнома», Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк», «Шажарайи тарокима», Ҳасан ота Абушийнинг «Туркий қавмлар тарихи» каби асарлари мисол бўла олади.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли бевосита Бердақ «Шажара»сининг жанр хусусиятларига бағишланган.

Асарнинг жанр хусусиятларини белгилашда шоирнинг ўз фикрларига таяниш мақсадга мувофиқдир. Адиб «Ахмоқ подшо» достонида «Бир қиссаға кеўил бөлдим» деб асар номини таъкидлагани каби, «Шажара» ҳақида «Көриңлер халықтың шәжересин, есит шәжерениң мәнисин³¹», «бул шәжерени жылқы жылы халыққа машхур қылған екен»³² деган мисраларда

²⁸ Ҳамидий Х. Шығыс тиллеринде жазба дәреклер хэм XIX әсирдеги қарақалпақ шайырлары. -Нөкис: Билим, 1991. Б.5.

²⁹ Бахадырова С. «Китабу дедем Қорқыт», «Қоблан», «Едиге» хэм ҳәзирги әдебият ҳаққында ойлар.- Нөкис: Қарақалпақстан, 1992. Б.78.

³⁰ Башкирские шежиры. -Уфа. 1960. С.205.

³¹ Бердақ. Шежиры. -Нөкис: Қарақалпақстан, 1993. Б.3.

³² Ўша манба. Б.36.

уни «шажара» деб атайди. «Бәршениң ата-бабасын айтып баян қылған екен»³³ ибораси билан у тарихий асар эканлигини қайд қилса, «бул сөз» деган ишоралар билан унинг бадиий асар эканлигини ҳам кўрсатади.

Кўпгина олимлар бу асар жанрини муайян атама билан номламасаларда, улар Бердақ фикрини қувватлашга ҳаракат қилишади³⁴.

П.И.Иванов шоир «Шажара»сини халқ орасида тарқалган афсона ва ривоятларни бадиий қайта ишлаш натижасидир³⁵ дейди. Академик М.Нурмухамедов бу фикрни яна ҳам чуқурлаштирган ҳолда «Шажара» – поэма-солнома – у бебаҳо. Бердақнинг қомусий билимга эга эканлигидан дарак берувчи бадиий-тарихий ҳужжат»³⁶, деб унинг жанрий белгиларини янада ойдинлаштиради. А.Пахратдинов эса, «Шажара бадиий адабиётда оз учрайдиган алоҳида жанр»³⁷ деса, Қ.Камолов уни «Тарихий-мифологик дoston»³⁸ деб атайди.

Қ.Жаримбетов шажаранинг жанр хусусиятларини таҳлилга тортаркан, «XIX аср қорақалпоқ поэзиясида эски форс-тожик, туркий тиллардаги ёзма шажаралар анъаналарининг синтезидан келиб чиққан янги «Шажара» пайдо бўлди»³⁹ деган хулосага келади.

Фикримизча, Бердақ шоир «Шажара»си тарихий мазмунига кўра – шажара, эпик тузилиши, шаклига кўра – дoston. Чунки унда, биринчидан, қорақалпоқ халқи этногенезидан бошлаб, XVII, XVIII, XIX асрлардаги тарихий воқеаларни акс эттирадиган бой сюжет мазмуни мавжуд бўлса, иккинчидан, бу сюжет тарқоқ ҳолда баён қилинмасдан муайян бир композицион тузилишда, кўп тармоқли сюжет чизиғида, ҳар хил мотивларда ифода топган. Кўп сонли қаҳрамонлар образлари қисқа ва лўнда, аксарият ўринларда айрим ишоралар воситасида акс эттирилган, энг асосийси халқ оммаси образи кенг миқёсда тасвирланган. Аммо асарда эпик мазмунга нисбатан тарихий мазмун анча устуворлик қилади. Шулардан келиб чиққан ҳолда уни жанр нуқтаи назаридан «шажара», шакл жиҳатдан «шажара-дoston» деб аташ мақсадга мувофиқдир. Бердақ «Шажара»сининг халқ оғзаки ижоди маҳсули бўлган шажаралардан фарқи ҳам ана шундадир.

Ишнинг «Бердақ «Шажара»сида тарихий-фольклористик ва ёзма-адабий тасвир анъаналари синтези» деб номланган учинчи боби икки бўлимдан иборат бўлиб, унда тарихий-фольклористик ва ёзма-адабий тасвир меъёрлари алоҳида-алоҳида таҳлил қилинади.

³³Бердақ. Шежире. -Нөкис: Қарақалпақстан, 1993. Б.3.

³⁴ Дәўқараев Н. Бердақ шайыр. -Нөкис: ҚҚМБ, 1950. Б.35; Сағитов И. Саҳра бўлбили. -Нөкис: Қарақалпақстан, 1974. Б.206; Плисецкий М.М. Историзм русских былин. -М.С: Высшая школа, 1962. Б.137; Муқанов С. Халық мурасы. -М.: Қазақстан, 1974. -Б.9.

³⁵ Иванов П.И. Новые данные о каракалпакском // Советское Востоковедение. -М.Л., 1945. Т.3. -С.78.

³⁶ Нурмухамедов М. Шығармалары. 2 томлык. -Нөкис: Қарақалпақстан, 1983. Т.1. Б.325.

³⁷ Пахратдинов Ә. Қарақалпақ шежиреси. -Нөкис: ҚҚМПИ, 1984, Б. 6: Ушбу муаллиф: Бердақтың көркемлик дүнясы. -Нөкис: Қарақалпақстан, 2007. -Б-67.

³⁸ Камалов Қ. Қарақалпақ әдебиятында көркем методтың эволюциясы. -Нөкис: Қарақалпақстан, 1988, -Б.83.

³⁹ Жәрімбетов Қ. XIX әсир қарақалпақ лирикасының жанрлық қасиетлери ҳәм раўажланыў тарийхы. -Нөкис: Билим, 2004.

Шоир асарида тарихий ҳақиқатнинг бадиий шаклда акс эттирилиши унинг тарихий асар эканлигини кўрсатибгина қолмасдан, балки тарихий ҳақиқатнинг бадиий талқини сифатидаги кадрини оширади, ундаги реалистик бўёқларнинг кўплиги, тасвир воситаларининг ранг-баранглиги эса, шоир маҳоратининг юксаклигидан далолат беради.

Бердақ тарихий воқеалар баёнида фақат фактлар тили билангина сўзламасдан, уни халқ ҳаёти, турмуш тарзи, менталитети, урф-одати, анъаналари, иқтисодий, сиёсий тузуми фонида, уларнинг характерли жиҳатларини муайян бадиий деталларда гавдалантиришга ҳаракат қилади. Масалан, шоирнинг уруғлар келиб чиқиши, уларнинг шиор ва тамғалари ҳақидаги изоҳлари бевосита халқ тушунчаси, дунёқаришига ҳамоҳангдир. Халққа хос ҳар қандай воқеа-ҳодиса, белги, урф-одат, анъананинг акс-садоси тарих катларида мужассам эканлиги уқтирилади.

Шоир уруғлар ҳаётига оид ҳар қандай нарса ва ҳодиса тасвирида уларнинг қон-қардош, оға-ини эканлигини таъкидлаш билан чекланмайди, балки бу уруғларнинг ҳар бирининг ўзига хослигини, эл, улус, мамлакат бўлиш даражасига етганлигини, уларнинг бир бутун ҳолда, яхлит баҳодир халқ эканлигини кўрсатмоқчи бўлади.

Тарихдан маълумки, XVIII-XIX асрларда қорақалпоқ халқи тарих саҳнасидан бутунлай йўқ бўлиб кетмаслик учун ички ва ташқи душманлар билан аёвсиз курашди. Шундай курашларда халқнинг онги-шуури ўсди, дунёқараши кенгайди, миллий мустақиллик сари интилиб, бошқа туркий халқлар билан алоҳида миллат сифатида яшаб қолиш ҳуқуқига эга бўлди. Буни биз Бердақ «Шажара»сининг XVIII-XIX асрлар воқеаларига бағишланган, қорақалпоқларнинг Жангадарё ва Хоразм даври тарихига оид саҳифаларидан ҳам билиб олишимиз мумкин. Масалан, асардаги «Қарақалпақтың бәри кетти, Жаңа дәрьясына жетти», «Ата журтыдур Түркстан» каби сатрлардан хонликлар орасидаги ер-сув, макон талашиш ҳолатлари, бу ўзаро урушлар, яъни 1723 йилдаги жунғор-қалмоқлар, 1743 йилдаги Абулхайирхон урушлари қорақалпоқларнинг Туркистон ҳудуди – Сирдарё атрофларидан Жангадарё, Қувондарё ва бошқа жойларга кўчишларига сабабчи бўлган:

Қарақалпақ көшип бўлинди,
Көшкени сыйыр жылы еди,
Журт сол жерден үш бөлинди,
Үш тәрәпке кеткен екен ⁴⁰.

Шоирнинг асар ичида бундай воқеаларни баён қилиши унинг қорақалпоқ халқи бошдан кечирган воқеаларга муносабатини, реалистик тасвир усулининг тарихий ҳақиқатни бериш учун қанчалик асқотишини яққол кўрсатиб турибди.

«Шажара»да шоир маҳоратининг яна бир қиррасини унинг ўз ўқувчиларига мурожаатида, лирик қаҳрамоннинг бевосита халққа

⁴⁰ Бердақ. Таңламалы шығармалары. -Нөкис: ҚҚМБ, 1950. Б.214.

талпинишида кўриш мумкин. Поэзияда лирик чекиниш, лирик мурожаат, шоир «мени»нинг ички кечинмалари баёни, руҳий ҳолатининг халқ қалбида акс-садо бериши каби усуллар реалистик тасвирни чуқурлаштиради. Шоир баён усулининг «...болган экен», «...екен» шаклларида келиши ўқувчи ишончини яна ҳам оширади ва унда воқеани ўзи кўргандек таассурот уйғотади.

Бердақнинг яна бир реалистик тасвир усулларида бири ҳаёт ҳодисаларини аниқ фактлар билан акс эттириб, унга ўз муносабатини билдириб боришида кўзга ташланади. Бу хил ёндашув, яъни муаллифнинг ҳар бир тарихий воқеани тасдиқлаб ёки инкор қилиб бориши муайян воқеани ўқувчи кўз олдида конкретлаштиришга ёрдам беради, унинг ижтимоий моҳиятини тўғри илғаш имконини яратади, ўша воқеанинг унутилмаслигига замин ҳозирлайди, кафолатлайди.

Шоир бадиий маҳоратининг яна бир муҳим қирраси шундаки, у фақат тарихий воқеалар силсиласини баён қилишга эътибор қаратмасдан, уларни қаҳрамонлар образи, уларнинг фикр-хаёли орқали акс эттиришга ҳаракат қилади. Бизнингча, бу ҳам шоирнинг шажара яратишда халқчилликни, халққа хос характер-хусусиятларни чуқур ҳис қилганлигини, шу позицияда туриб асар яратганлигини исботлайди. Якка шахслар қиёфасида халқ оммасига хос белги-хусусиятлар, фикр-қарашларни жамулжам қилиш орқали реалистик образ яратиш тамойили Бердақ даври учун муҳим ижодий ҳодиса эканлигини таъкидлаш жоиздир. Шажаранинг бу хил қирралари асарнинг ишончлилиги, халқчиллигини таъминловчи омил вазифасини ўтади.

Шоир Бердақнинг «Шажара» асарида тарихий воқеа-ҳодисаларга ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-руҳий маъно юклаб тасвирлашидан ташқари соф оғзаки ижодга хос мотивлар билан акс эттириш ўринларининг ҳам борлигини юқорида таъкидлаган эдик. Бу ҳодиса асарда синтезлашган ҳолда, яъни фольклористик акс эттириш йўналиши ҳаётий воқеалар тасвири билан қоришган ҳолда берилади. Бу ҳолат ёзма адабиёт мезонлари фольклористик воқеа-ҳодисаларга руҳ, жон бахш этганга ўхшаш таассурот қолдиради.

Таъкидлаш ўринлики, дастлаб шоир бу асарни бошқа дostonлар каби оғзаки тарзда яратган. Унинг барча бўлимлари ижросини оғзаки эшитиб, унга тингловчилар муносабатини кўриб, сўнгра унга қайта ишлов бериб, қоғозга туширган. Демак, бахшичилик санъатида, халқ оғзаки ижоди намуналари қандай яратилган ва ижро қилинган бўлса, шоир ҳам дастлаб шундай йўл тутган. Аммо кейинги – асарни ёзма шаклга тушириш жараёнидаги «Шажара»ни ҳозирги даражага, бадиий жиҳатдан юқори пағонага кўтарган.

Дарҳақиқат, «Шажара» асарида ҳам кўплаб фольклор мотивлари, сўз усталарининг, оғхаки адабиёт қаҳрамонларининг номлари келтирилади. Масалан, Чингизни хон кўтариб олиб келиш пайтини фольклорга хос услубда (бир неше кун жол жүрди) ифодаланган. Бундан ташқари асар бандларида бошдан-охир «болган, экен, экен» радифлари такрорланади. Булар ҳам халқнинг эстетик завқига мос, қабул қилишига қулайли баён усули. Бу

услугбининг китобий услуб билан аралаш ҳолда қўлланилиши ҳам реалистик-адабий ва фольклор услублар синтезининг бир кўриниши сифатида баҳоланиши зарур.

Шунингдек, баъзи тасвир усулларида, предмет ва жонли нарсаларни, кишиларни тавсифлашда, портретларини беришда муболаға, сифатлаш каби тасвир унсурларидан фойдаланганлигини ва бунда халқ оғзаки ижоди намуналарига суяниланлигини кўрамиз. Масалан, Чингиз афсонасидаги Майқи бий бошлаган халқ Чингизни излаб топиш арафасидаги тасвирлар эртактлардаги каби усулда берилади, аммо фактлар аниқлиги, яратилиши, ёзилиш шакли китобий шаклда бўлиб, фольклористик тасвирлар бадий шакллар билан аралашиб, чатишиб кетган. Бу ҳолат баъзи муболағаларнинг ишончли қабул қилинишини таъминлайди («хэр күни бир атны сойды...Отыз тоғыз атны сойды...Бир күни көрди ақ отаўды...»).

Демак, бу хил тасвирда ҳам шоир қахрамонлар ижтимоий-рухий ҳолатини очиш учун китобий воситаларни қўллаб, оғзаки ижод мотивларига ҳаётийлик бахш этган ва асар ҳаққонийлиги, халқчиллигини таъминлаган.

Буларнинг барчаси Бердақнинг онгли равишда фольклордан ўрганиб, унга суяниб иш кўрганлигини, ўз ижод устахонасида уни китобий воситалар билан безаб, унга ҳиссий-эстетик руҳ бахш этишга интилганлигини, ўз асарида фольклорга хос ва бадий-реалистик усуллар синтезини истифода қилганини кўришимиз мумкин.

ХУЛОСА

1. Бердақ Ғарғабой ўғли ўзининг «Шажара» асари билан нафақат қорақалпоқ адабиётига, балки туркий халқлар адабиётига, хусусан, улар шаъриятига муҳим ва катта янгилик олиб кирди. Унинг янгилиги шундаки, бутун шарқ халқлари, жумладан туркий халқлар адабиётларида қадимдан анъана бўлиб келаётган назмий, насрий ёки илмий шакллардаги «Шажара», «Солнома», «Нома» яратиш усуллариининг барча ижобий жиҳатларини ўз ижод устахонасида ўрганиб чиқиб, поэтик қолипга солиб, ўзига хос янги шажара шаклини яратди.

2. Бу асар фақат жанр, шакл жиҳатидан фарқланиб қолмасдан, балки ўзининг ғоявий-бадий жиҳатлари билан ҳам бадий адабиётнинг бетакрор маҳсулидир. Чунки унда қорақалпоқ халқи уруғ-аймоқлари, қавмининг келиб чиқиши, миллат, халқ бўлиб шаклланиши, бошқа халқлар билан алоқадор ҳолда тарихан мавжудлиги, қадимги халқлардан бири эканлиги, туркий халқларнинг ягона бир негиздан пайдо бўлганлигини кўрсатиб беради. Асарда халқлар тақдири туташ эканлиги таъкидланиб, улар ҳамжиҳатликка, дўстликка, қардошликка чақирилади.

3. Илғор умуминсоний ғоялар ва юксак бадииятга асосланган «Шажара» асари қорақалпоқ адабиётида, Бердақ ижодида дафъатан пайдо бўлмади.

Унинг тарихий-бадий хусусиятларининг туб илдизлари мавжуд. Уларнинг, биринчиси, шоир асарининг асосий мазмунини ташкил этган халқ тарихи, халқ шажаралари (оғзаки ёки ёзма) бўлса, иккинчиси ўша халқнинг миллий-маънавий бадий мероси, оғзаки асотир-афсоналари, ривоятлари, тарихий кўшиқлари, дostonларидир. Бу манбаларнинг баъзилари Бердақ асарига тарихий-реалистик мазмун бахш этган бўлса, бошқа бирлари унга адабий-бадий ранг ва оҳанг бағишлаб, бадий адабиёт намунаси мақомини олиб берди.

4. Бердақ «Шажара»сининг бадий хусусиятларини таъмин этишда, унинг адабий-реалистик, бадийлик андозларини юзага келтиришда, чуқурлаштиришда, ундаги фольклорга хос ва адабий-реалистик тасвир усуллариининг такомиллашувида илгаридан қорақалпоқ адабиётида мавжуд бўлган бадий анъаналарнинг ҳам роли катта бўлди.

5. Бердақ «Шажара»сининг жанр илдизлари фақат миллий, бадий-эстетик асослардан озикланиш билан чекланмасдан, қадимги Шарқ халқлари, жумладан, қадимги туркий ёзма ёдгорликларининг сарчашмаларидан қонганлигини кузатиш мумкин. Улар тарихий манбалар бўлиш билан бирга адабий-бадий мерос ҳамдир.

6. Бердақ «Шажара»сининг жанр илдизлари, бир томондан, унинг реалистик асосларининг теранлиги, ҳаётийлигини кўрсатса, иккинчидан, унинг реалистик тасвирлаш усуллариининг ўзига хослигини намоиш қилади. Чунки Бердақ асаридаги ҳар бир сюжет мотиви билан қаҳрамонлар образига берилган кўпгина тафсилотлар тарих фанига оид аниқ маълумотлар билан тасдиқланади. Моҳият шундаки, шоир бунда реал воқеа-ҳодисаларни ўз фикр-мушоҳадаси, фантазияси билан бойитиб ва уйғунлаштириб, бадий ҳақиқат яратишга эришади. Бу ҳодиса ўз навбатида Бердақ реалистик тасвир усуллариининг новаторона қирраларидир.

7. Шоирнинг «Шажара»да миллий-маънавий, эстетик асос сифатида биз қайд қилган фольклорга хос тасвир ҳамда сюжетлардан моҳирона фойдаланишидаги ўзига хослик унинг бадий-эстетик савиясининг юксаклигини исботлайди. Чунки Бердақ ўз асарида фольклористик тасвир ва сюжетларни қўлланганда уни механик равишда эмас, балки шоирона дид билан ўз ижодий лабораториясида қайта ишлаб, сайқаллаштириб, айтилажак бадий ниятни очиб бериш учун муайян поэтик мақсадларда ишлатади.

Умуман олганда, қорақалпоқ мумтоз адабиёти тарихидаги жаҳон сўз санъатига хос бадий-поэтик анъаналар билан бўйлаша оладиган бундай завқиеб, гўзал битиклар қадимий халқимизнинг ақл-фаросати, фикр-ўйи, тафаккур олами ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлайди. Шу боис ҳам Бердақни буюк сўз зарғари ва зукко тарихчи деб баҳолаган ҳолда, унинг «Шажара» асарини мумтоз сўз санъатимизнинг юксак чўққиларидан бири, дейишга асослар борлигини таъкидлаймиз.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Утамбетова А. Бердақ шығармаларында фольклорлық дәстүр көринислери // Қарақалпақстан муғаллими. -Нөкис, 2002. - №3-4. - Б 46.
2. Утамбетова А. Бердақ дөретпелери аўыз-еки хәм жазба әдебий дәстүрлердың синтези сыпатында // Өз РИА ҚҚБ Хабаршысы. -Нөкис, 2002. –№5-6. –Б. 98.
3. Утамбетова А. «Шежире» дәстанында тарийхый жазба дереклерден пайдаланыў өзгешеликлери // Әмиўдәрья. -Нөкис, 2005. -№5-6. -Б 107.
4. Утамбетова А. Бердақтың «Шежире» дәстанындағы Шыңғыс образы // Әмиўдәрья. -Нөкис, 2008. -№4. -Б.124.
5. Утамбетова А. Бердақнинг «Шажара» асари хусусида // Тил ва адабиёт таълими. –Тошкент, 2009.-№3. -Б.58-59.
6. Утамбетова А. Бердақтың «Шежире» шығармасының изертлениў мәселелери // Әмиўдәрья. -Нөкис, 2009. -№2. -Б.93.
7. Утамбетова А. Бердақтың «Шежире» дәстанының сюжети // Әмиўдәрья -Нөкис, 2009. -№5-6. -Б.156-158.
8. Утамбетова А. Қарақалпақлардың Жаңадәрья тарийхының гейпара мәселелери хәм Бердақ «Шежире»си // Әмиўдәрья. -Нөкис, 2010. -№4. -Б.99-106.
9. Утамбетова А. Исторические истоки создания поэмы «Шежире» («Родословная») Бердаха // Вестник Челябинского государственного университета. Филология. –Челябинск, 2010. -№ 34 (215). -С.121-124.

Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Утамбетова Арухан Жамгырбаевнанинг 10.01.04 – Туркий халқлар адабиёти (қорақалпоқ адабиёти) ихтисослиги бўйича «Бердақнинг «Шажара» достонида фольклористик ва реалистик тасвирлаш усуллариининг қўлланиш хусусиятлари» мавзuidaги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: XIX аср қорақалпоқ адабиёти, эпик поэзия, достон, поэма, халқ тарихи, халқ шажараси, ёзма шажаралар, шажара-достон, тарих ва достон, фольклор ва ёзма адабиёт, фольклор ва ёзма адабиёт анъаналари синтези, лирик ва эпик қаҳормон образи, сюжет мотивлари, тарихий ҳақиқат ва бадий ҳақиқат, фольклорча, адабий-реалистик тасвир усуллари.

Тадқиқот объекти: диссертацияда Бердақ «Шажара»сининг жанр асосларининг фольклор ва адабий-реалистик хусусиятларини очиб бериш орқали ундаги фольклористик ва реалистик тасвир усуллариининг қўлланилиш ўзига хосликлари махсус ўрганилади.

Ишнинг мақсади: адабиётшунослик ва фольклоршуносликнинг долзарб муаммоларидан бири бўлган фольклорга хос ва реалистик тасвир усуллариининг Бердақ «Шажара»сида қўлланилиш ўзига хослигини очиб беришдан иборат.

Тадқиқот методи: ишда тарихий-филологик, қиёсий-тарихий, тарихий-типологик, бадий-эстетик таҳлил методлари қўлланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: диссертацияда «Шажара» асари махсус монографик йўналишда биринчи бор ўрганилди. Иш кириш, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташқари учта асосий боблардан ташкил топган.

Диссертациянинг асосий вазифаси Бердақ «Шажара»сида фольклористик ва реалистик тасвир усуллариининг истифода хусусиятлари, асарнинг жанр белгиларининг аниқлаш контекстида олиб борилган.

Амалий аҳамияти: диссертация натижалари келажакда Бердақ ижодини, унинг эпик асарларидаги жанрлар тизимини ва уларнинг эволюцион тараққиёти тарихини ўрганишда, шунингдек, қорақалпоқ мумтоз адабиётининг янги тарихини яратишда назарий таянч ва илмий тажриба вазифасини ўташи мумкин.

Диссертациянинг илмий-назарий натижалари биринчи навбатда XIX аср қорақалпоқ адабиёти, хусусан, Бердақ ижодиёти бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари, намунавий дастурлар, маъруза матнлари, шунингдек, адабиётшунослик атамалари луғатларини тузишда ёрдамчи манба сифатида иш беради.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: диссертациянинг асосий мазмуни 2002-2011 йиллар оралиғида эълон қилинган илмий журналлар мақолаларида ва илмий анжуманлардаги баёлотларда ўз аксини топган.

Қўлланиш соҳаси: диссертация материаллари фольклоршунослик ва адабиётшуносликка доир илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда, филология соҳаси бўйича кадрлар тайёрловчи ўқув ўринларида таълимни яна ҳам такомиллаштиришда, маънавият тарғиботида муҳим манба сифатида иш беради.

Р Е З Ю М Е

диссертации Утамбетовой Арухан Жамгырбаевны на тему: «Особенности употребления фольклорного и реалистического приемов описания в дастане «Шежире» Бердаха» на соискание ученой степени кандидата филологических наук по специальности 10.01.04. – литература тюркских народов (каракалпакская литература)

Ключевые слова: каракалпакская литература XIX века, эпическая поэзия, дастан, поэма, история народа, родословная народа, письменная родословная, родословная-дастан, история и дастан, фольклор и письменная литература, традиции фольклора и письменной литературы, образ лирического и эпического героя, сюжетные мотивы, историческая правда и художественная истина, приемы фольклорного, литературно-реалистического описания.

Объект исследования: специальное исследование особенностей употребления фольклорного и реалистического приемов описания в дастане «Шежире» Бердаха путем определения фольклорного, литературно-реалистического качеств его жанровых источников.

Цель работы: раскрыть особенности употребления фольклорного и реалистического приемов описания в произведении Бердаха «Шежире», являющихся одной из актуальных проблем фольклористики и литературоведения.

Методы исследования: в диссертации были использованы историко-филологический, сравнительно-исторический, историко-типологический, художественно-эстетический анализ методы исследования.

Полученные результаты и их новизна: в диссертации впервые в каракалпакском литературоведении подвергается научно-теоретическому анализу произведение Бердаха «Шежире» в качестве объекта специального исследования. Впервые изучена проблема особенностей употребления фольклорного и реалистического приемов описания в «Шежире» Бердаха в контексте фольклорных, литературно-реалистических жанровых источников данного произведения.

Практическая значимость: материалы диссертации могут быть использованы в изучении в дальнейшем творчества Бердаха, в исследовании жанровых систем его эпических произведений и их истории эволюционного развития, а также при создании новой истории каракалпакской классической литературы. Научно-теоретические результаты исследования могут быть полезны также при создании учебников, учебных пособий, примерных учебных программ, текстов лекций по каракалпакской литературе XIX века, в том числе по творчеству Бердаха, в составлении словаря литературоведческих терминов.

Степень внедрения и экономическая эффективность: теоретические выводы, приемы исследования и конкретные результаты используются в процессе преподавания каракалпакской литературы, а также при подготовке современных учебников и учебно-методических пособий для студентов вузов, учащихся академических лицеев, профессиональных колледжей и общеобразовательных школ республики. Материалы диссертации были опубликованы в научных журналах и сборниках, апробированы в учебном процессе в вузах и школах.

Область применения: результаты исследования могут быть использованы в подготовке монографий, учебников и учебных пособий по теории и практике преподавания каракалпакской классической литературы, в практике преподавания спецкурсов и семинаров по творчеству Бердаха на филологических факультетах вузов, а также в деле пропаганды духовных ценностей каракалпакского народа.

REZUME

Thesis of Utambetova Arukhan Jamgyrbaevna on the scientific degree competition of the candidate of philological science on specialty 10.01.04 – literature of Turkic people (karakalpak literature), subject: "Peculiarities of folklore and realistic description methods' usage in dastan "Shezhire" by Berdakh"

Key words: XIX centuries literature, epic poetry, dastan, poem, history of folk, genealogy of folk, written genealogy, genealogy – dastan, history and dastan, folklore and written literature, traditions of the folklore and written literature, character of a lyrical and epic hero, plot motives, historical truth and artistic truth, folklore and literary-realistic description methods.

Subjects of research: a special research of the peculiarities of folklore and realistic description methods' usage in dastan "Shezhire" by Berdakh by determination of folklore, literary-realistic qualities of its genre sources.

Purpose of work: to open the peculiarities of folklore and realistic description methods' usage in Berdakh's work «Shezhire», being one of the actual problems of folkloristic and literary criticism.

Methods of research: historian-philological, comparative-historical, historian-typological, artistic-aesthetic methods of description are employed at work.

The results obtained and their novelty: The dastan «Shezhire» by Berdakh as an object of special research is subjected to scientifically-theoretical analysis for the first time in karakalpak literary criticism. For the first time it is studied the peculiarities of folklore and realistic description methods' usage in "Shezhire" by Berdakh in context of folklore, literary-realistic genre sources of this work.

Practical value: The Material to thesis can be used in study of Berdakh's creative activity, in research of the genre systems of his epic works and its evolutionary development histories, as well as when making the new history of karakalpak classical literature. Scientifically-theoretical results of the research can be useful also when making textbook, scholastic textbooks, exemplary scholastic programs, texts of lecture on karakalpak literature of XIX century, including on creative activity of Berdakh, preparing the dictionaries of literary criticism terms.

Degree of embed and economic effectivity: The Theoretical deductions, the study methods and concrete results are used in process of the teaching karakalpak literature, as well as when preparing modern textbooks and scholastic-methodical textbooks for students of high school, students of academic lyceums, professional colleges and secondary schools of the Republic. The Materials of the thesis were published in scientific journals and collections, are approved in scholastic process in high schools and secondary school.

Field of application: The Results of the research can be used in preparation of monographs, textbooks and scholastic textbooks on theories and practice of the teaching of karakalpak classical literature, in practice of the teaching of special courses and seminars on creative activity of Berdakh in philological faculties of high schools, as well as in deal of the propaganda of spiritual valuables of karakalpak folk.